



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 19 ноябр, сешанба №182 (1399)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ
НАТО-ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК
КЕНГАШИ САММИТИДАГИ
ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов 2002
йил 21-22 ноябр кунлари Прага ша-
рида бўладиган НАТО-Евроатланти-
ка Ҳамкорлик Кенгаши саммити иши-
да иштирок этади.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 ноябр куни Оқсаройда Қозғистон Парламенти Мажлиси Раиси Жармаҳон Туёқбой, Қирғизистон Жогорку Кенешининг Қонунчилик Йиғини Тўроғаси Абдугани Эржабоев ҳамда Халқ Вакиллари Йиғини Раисининг ўринбосари Сооронбой Жээнбеков, Тожикистон Мажлиси Олийсиининг Миллийсиининг Раиси Маҳмадсаид Убайдуллоев ҳамда Вакиллар Мажлиси Раиси Сайдулло Хайруллоевни қабул қилди. Қўшни давлатлар парламентлари раҳбарлари «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотининг парламент сам-

митида қатнашиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган. Таъкидламоқ жоизки, минтақа мамлакатлари раҳбарларининг учрашувларида бундай йиғинни ташкил этиш ҳақида кўп гапирилган, лекин гоёни бевосита ҳаётга жорий қилишда силжиш бўлмай келаётган. Шу йил 5-6 октябр кунлари Душанбеда ўтказилган сўнгги саммитда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда парламентлар вакилларининг анжуманини ташкил этишга келишиб олинди. Ислам Каримов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан кутларкан, мазкур учрашув нафақат «Марказий Осиё

ҳамкорлиги»га аъзо мамлакатлар, балки минтақамизнинг барча давлатлари учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Парламентлар раҳбарлари бир даврага йиғилганининг ўзи катта гап, деди мамлакатимиз раҳбари. - Қолаверса, бундай анжуманга аҳтиёж ҳам катта эди. Мамлакат ҳаётида парламент муҳим ўрин тутди. Шу чоққона гоҳ у, гоҳ бу мамлакатда неча бор олий даражадаги минтақавий анжуманлар ўтказилди. Лекин парламентлар раҳбарларининг бир даврага йиғилганини эсплоитмайиз. Ваҳоланки, минтақда иқтисодий ин-

теграция, сиёсий, ижтимоий, маданий, илмий ва кўплаб бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришда қонун чиқарувчи органларнинг аҳамияти жуда катта. Уларнинг яқин ҳамкорлиги ҳар қандай жабҳадаги алоқалар самарадорлигини ошириши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Учрашувда Марказий Осиёда интеграция жараёнининг ривожлантириш, кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, парламентлар алоқаларини раванқ топтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА).

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ПАРЛАМЕНТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ БИРИНЧИ УЧРАШУВИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадри дўстлар!
Сизларни давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар, минтақда кўп қиррали интеграция жараёнининг ривожлантириш ва мустақамлаш тарихида янги саҳифа очаётган «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви муносабати билан чин юракдан кутлаймиз!
МОҲга аъзо мамлакатлар парламентларо ҳамкорлигининг янада кенгайиши давлатларимизнинг ташқи сиёсий устуворликларига, ўзаро қелишувларга, умумий тарихий илдишлар, анъаналар, маданиятга эга тўрт қардош халқ манфаатлари ва умидларига тўла мос келади.
МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг бундай нуфузли анжуманининг ўтказилиши ўзаро манфаатли алоқалар жадал ривожланиб бораётгани ва давлатларо муносабатларнинг минтақда тинчлик ва дўстликни мустақамлашга қаратилган янги-янги шакллари мунтазам далолат беради.
Мамлакатларимизда парламентаризмининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни мурраккаб ва ўзига хос тарихий шартларда, халқларнинг озодлик, демократия ва инсон ҳуқуқлари учун кураши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечди. Марказий Осиё халқлари мутафаккирларини асрлар давомида ўйлантириб келган халқ ҳокимияти гоъялари фақат давлат мустақиллигига эришилгандан кейингина амалга ошди. МОҲга аъзо мамлакатлар қонунчилик ҳокимиятининг олий органлари қиска тарихий даврда расмий вакилликдан ҳақиқий

парламентаризмга бўлган йўлни босиб ўтди.
Бугунги кунда парламент давлатнинг энг муҳим институтларидан бири сифатида жамиятни демократия ва қонун устуворлиги тамойиллари асосида ислох этишда улкан аҳамият касб этмоқда. Мустақил ривожланиш йилларида қабул қилинган қонун ҳужжатлари давлатларимиз суверенитети ва янги жамият қурилишининг мустақам ҳуқуқий қафолатига айланди.
Ҳозир барча муҳим давлат масалалари турли сиёсий қучлар ва аҳолининг ижтимоий қатламлари вакилларидан иборат парламент орқали ҳал этилмоқда. Ҳақиқий парламентаризм қонунчилик ҳокимиятининг олий органидаги ўз вакиллари орқали давлатни бошқаришда амалда иштирок этиш имкониятисизгина қанақам халқ ҳокимияти бўла олмаслиги тўғрисидаги шубҳасиз ҳақиқат факторлар онгидега узил-кесил қарор топди.
Биз мамлакатларимиз парламентлари вакилларини ўзаро манфаатли масалалар, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти доирасида қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши мониторинги бўйича парламентларо алоқаларни фаоллаштиришга даъват этамиз.
Умид қиламизки, парламент фаолиятига оид мамлакатларимизда орттирилган амалий тажрибаларни биргаликда мушоҳада этиш ютуқ ва камчиликларни яхшироқ кўриш, қонун яратиш фаолиятининг янги шакл ва услубларини эгаллаш ҳамда қонунчилик ҳокимиятининг олий органлари ривожланиш замонавий йўналишларни аниқ кузатиб бориш имконини беради.
Сизларга халқларимиз фаровонлиги ва давлатларимиз раванқи йўлидаги ишларингизда юксак самара, парламентга оид фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз!

Қозғистон Республикаси
Президенти
Н. НАЗАРБЕКОВ
Тожикистон Республикаси
Президенти
И. РАҲМОНОВ

Қирғизистон Республикаси
Президенти
А. АКАЕВ
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республика молия-банк тизимини ривожлантириш тенденциялари ва қонуниятларини чуқур ўрганиш, молия ва банк тизимининг ривожлантирилишини, янада ислох қилинишини ва эркинлаштирилишини прогнозлашнинг мустақам илмий-методологик базасини яратиш, мамлакат иқтисодиётини ислох қилиш ва ривожлантиришнинг асосий устуворликларини ва максалли вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган пул-кредит сиёсатини шакллантиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш максалли Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:
1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Ўзбекистон банклар уюшмасининг Банк-молия тизимини ривожлантириш ва эркинлаштириш прогнозлаш институтини (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлиф қабул қилинсин.
2. Куйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: республика банк-мо-

ҚИЗИЛҚУМ ХАЛҚА ЙЎЛИ ЭЛ ХИЗМАТИДА

Белоён Қизилқум чўлида минг километрдан ортиқ йўллар бир-бири билан туташиб кетган. Навоий-Ўтемурад-Томди-Учкудук-Газли-Бухоро-Навоий автойўли Қизилқум халқа йўли ҳисобланади. Унинг энг қийин бўлаги - Учкудук туманидаги «Узунқудук» кўргонидан Пешку туманига қараб тортилган 35 километрлик қум ва тупроқ йўл ҳайдовчилар учун ноқулайлик туғдириб келар эди. «Қизилқум» йўллардан фойдаланиш бошқармаси йўлсозларни уч ойда халқа йўлининг ушбу қисмига ҳам асфальт ётқизиш, фойдаланишга топширди.
Равон йўл Қизилқумда яшаб меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилди. Шу билан бирга савдо-сотик ишларини юритиш учун ҳам имконият яратилди. Йўлсозлар жорий

МОҲГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ПАРЛАМЕНТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

18 ноябр куни Тошкентда «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо мамлакатлар парламентлари вакилларининг биринчи учрашуви ўтказилди. Анжуманда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон олий қонунчилик ҳокимияти органлари раҳбарлари, мазкур мамлакатлар парламентлари кўмиталари ва аппаратлари вакиллари иштирок этиди.
Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон президентларининг учрашув катнашчиларига табригини Олий Мажлис Раиси Э.Халилов ўқиб эшиттирди.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов, Қозғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси Ж.Туёқбой, Қирғиз-

истон Республикаси Жогорку Кенешининг Қонунчилик Йиғини Тўроғаси А.Эржабоев, Тожикистон Республикаси Мажлиси Олийсиининг Мажлиси Миллийси Раиси М.Убайдуллоев ўз мамлакатларида парламентаризмининг шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида маъруза қилди. Парламентлар раҳбарлари қиска тарихий даврда Марказий Осиёнинг ёш давлатларидаги қонунчилик ҳокимияти расмий вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга бўлган улкан йўлни босиб ўтганлигини таъкидлади. Давлат мустақиллигига эришиш миллий парламентларга халқ ҳокимиятичилигининг энг муҳим институтларидан бирига айланш имконини берди. Мустақил ривожланиш йилларида қабул қилинган қонунчилик ҳужжат-

лари Марказий Осиёнинг суверен давлатларида янги жамият қурилишининг мустақам ҳуқуқий қафолатига айланди.
Учрашувда «МОҲга аъзо мамлакатларнинг парламентларо ҳамкорлиги» воқелик ва истикбол масаласи бўйича Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг Халқ Вакиллари Йиғини Тўроғаси ўринбосари С.Жээнбеков, Тожикистон Республикаси Мажлиси Олийси Мажлиси Намояндагининг Энгретика, саноят, қурилиш ва коммуникация қўмитаси Раиси Й.Ахмедов, Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раиси Э.Воҳидов сўзга чиқди. Таъкидландики, МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари ҳамкорлиги ҳаётини зарурат бўлиб, давлатларо муносабатларнинг анҳад бери қўлланилаётган шаклидир. Ёш давлатлар мустақил ривожланишга муайян ҳулосалар чиқариш имконияти мавжуд бўлган ҳозирги вақтда мамлакатларимиз олий қонунчилик ҳокимияти органлари тажрибасини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу тажрибаларни умумлаштириш ва таҳлил этиш асосида миллий парламентаризм институтларини ҳамда уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги амалий ролини кучайтириш масалаларини ҳал этиш осонроқ бўлади.
Учрашувда парламентларо ҳамкорлик институтини - МОҲга аъзо мамлакатлар парламентлари вакиллари Кенгашини тузиш тўғрисида келишиб олинди. Парламентларо ҳамкор-

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон эришган энг муҳим ютуқлардан бири - мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси бўлганидир. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ўтган давр мобайнида дунёнинг кўплаб давлатлари билан дипломатик муносабатларни самарали йўлга қўйди.

ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Ҳозир хорижий мамлакатларда давлатимизнинг 27 элчихона ва 9 консуллик идораси ишлаб турибди. Биргина жорий йил давомида жаҳоннинг икки етакчи давлати - Америка Қўшма Штатлари ва Япония билан ўзаро стратегик шериклик расмийлаштирилган, шак-шубҳасиз, ташқи сиёсатимизнинг улкан ютуғи бўлди.
Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби нуфуз-

ли тизими ривожланишининг ҳозирги ҳолатини чуқур изчил таҳлил қилиш, банк-молия тизимларини фаолиятининг жаҳон тажрибасини ўрганиш ва шу асосда банк тизимини янада ислох қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш;
(Давоми 2-бетда).

СИРДАРЁЛИК КАСАБА УЮШМА СПОРТЧИЛАРИ

Бугун қомил ишонч ва фахр-ифтихор ила айтиш мумкин: мамлакатимиз спортчи чин маънода юксалмоқда. Халқаро кураш майдонлари — жаҳон ва китъа биринчиликлари, турли турнирларда кўлга киритилган улкан ютуқлар Ватанимиз шухратига шухрат қўшаётди. Вакилларимизнинг китъа микёсидаги сўнгги нуфузли мусобака — XIV Осиё ўйинларидаги муваффақиятли иштироки мамлакатимиз спортининг юксак салоҳиятидан дарак берди.
Дарвоқе, мазкур мусобакада кўлга киритилган 15 та олтин медалнинг 9 таси касаб уюшма вакилларига тегишлидир. Ушбу галабаларга айнисика, байдарка ва қаноҳ ҳамда академик эшак эшиш турлари бўйича қатнашган спортчиларимиз катта хисса қўшдилар. Жумладан, Ширин шаҳридаги «Сирдарё Исонлик» электр станцияси оқик акционерлик жамиятининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти вакиллари — Виталий Силваев ҳамда Сергей Якубовлар китъа ўйинларининг бронза медаллари соҳибларига айландилар.
— Китъа микёсидаги ана шундай нуфузли мусобакада иштирок этиш ҳар қандай спортчи учун катта бахт саналади, — дейди қаҳра-

монларимиз. — Чунки спортчи катта масъулият юклайдиган бундай беллашувлар улкан маҳорат ва тажриба мактабини ўтади. Пусандаги муваффақиятли иштироки-мизга тўхталадиган бўлмас, шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, қорқономиз спорт жамияти қошида академик эшак эшиш бўйича фаолият юритаётган секцияда барча шарт-шароитларнинг яратиб берилганлиги бош омили бўлиб хизмат қилди.
Дарвоқе, мустақиллик йиллари сирдарёлик сув спорти вакиллари учун чин маънода омадли келди. Масалан, XII Осиё ўйинлари совриндорлари — Василий Полонников ва Виталий Силваевлар мизга тўхталадиган бўлмас, кўтарилди.
1999 йилги навбатдаги китъа чемпионатида жамиятининг бир йўла 5 нафар вакили мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. К.Ни., С.Тян., С.Якубов, Ю.Шахсуварян, В.Чекменов сингари маҳоратли спортчилар терма жамоа медаллар шодасига қумуш медалларни туҳфа этишди. Шунингдек, сирдарёлик академик эшак эшувчилар Жаҳон Кубоги (Италия, 2000 йил), Олимпия ўйинлари саралаш баҳслари (Швейцария, 2000 йил) ҳамда Осиё чемпионати беллашувлари (Хитой, 2001 йил)да ҳам муваффақиятли қатнашдилар.
Ўтган вақт мобайнида Сирдарё исонлик электр станцияси оқик акционерлик жамияти вакиллари билан 6 нафари халқаро тоғфандаги, 11 нафари спорт устаси ҳамда 35 нафари усталикка номзод уюшмаларини кўлга киритишди. Қези келганда таъкидлаш лозимки, бу муваффақиятларда спортчиларнинг доимий равишда ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган Ўзбекистон экилги-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари касаб уюшма Марказий қўмитаси ҳамда қорқономлик сабаққўмининг ҳам ўз улуши бор.
Айни кунларда сирдарёлик академик эшак эшувчилар «Олимпиада-2004» саралаш беллашувларида пухта тайёргарлик қўришмоқда.
Қамол ОЛЛОЕВОВ, «Ишонч» муҳбири.

СУДНИНГ ҚАРОРИ АСОСИДА МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: ходим суднинг қарори билан пул ёки товар қимматликларини билан муомала қилиш ҳуқуқидан 2002 йилнинг январидан икки йил муддатга маҳрум қилинган. Ҳозир у рентген бўлимида мудир бўлиб ишлаётганми? Агар ишлаши мумкин бўлмаса, иш берувчи унга нисбатан қандай йўл тутиши мумкин?

Л.БОЙБЎСИНОВА, Нукус шаҳри, тиббиёт ходими.

ЖАВОБ: биринчи навбатда суднинг қарори билан атрофлича танишиб чиқилмоғи зарур. Агар ҳақиқатдан ҳам ходим пул ёки товар қимматликларини билан муомала қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, Меҳнат Кодексининг 176-моддасида белгиланганидек унинг меҳнат вазифаларини, муассасаддаги ички меҳнат тартиби қоидалари ва жамоа шартномасини батафсил ўрганиб чиқиш керак.

БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ



Бевосита пул ёки товар қимматликларини билан муомала қилаётган ходим махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминлаш учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Ун саккиз ёшга тўлган ходим билан ишга қабул қилиш пайтида ҳам, кейинчалик ҳам меҳнат шартномасига қўшимча тарзда тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида махсус ёзма шартнома тузилиши мумкин.

Мабодо ходим бундай ёзма шартнома тузишни рад этса, иш берувчи у билан меҳнат шартномаси тузилмаслиққа ҳақли.

Меҳнат Кодексининг 203-моддасига асосан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида ёзма шартнома тузилдиган ходимларнинг тоифалари рўйхати жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади. Муассасаларда тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартномалар тузилиши мумкин бўлган ходимлар эгаллайдиган ёки бажарадиган лавозимлар ҳамда ишларнинг рўйхатини тузишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ҳайъатининг 1996 йил 2 апрелдаги 2/4-сон қарори билан тасдиқланган намунавий рўйхатдан фойдаланиши мумкин.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатлар (Меҳнат шартномаси, унинг меҳнат вазифалари, Ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномаси ва бошқалар) ўрганиб чиқилганда ходим пул ёки товар қимматликларини билан муомала қилишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаса, у ўз ишини давом эттираверади ва унга нисбатан ҳеч қандай чора қўлланилмайди.

Агарда ходим пул ёки товар қимматликларини билан муомала қилиши ва у билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартнома тузилган бўлса, унда Меҳнат Кодексининг 106-моддаси 3-бандига асосан суднинг қарори қонуний қучга кириши муносабати билан у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади. Шунингдек, шу асосда ходим суднинг қарорига биноян ихтисослаштирилган давлолаш-профилактика муассасасига йўланган тақдирда ҳам меҳнат шартномаси бекор қилинади. Мазкур ҳолатда касаба уюшма кўмитасининг олдиндан розилиги олинмайди ҳамда қонунда бундай асосда ишдан бўшатилган ходимларга ишдан бўшатиш нафақаси компенсация тўлаш назарда тутилмаган.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ фаолият олиб бораётган «Прогресс» таълим ва ривожланиш маркази Қорақалпоғистондаги энг нуфузли билим даргоҳларидан бирига айланди.

1992 ташкил топган мазкур даргоҳ ёшларга чуқур билим беришнинг янги усулларини жорий этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Мана орадан ўн йил ўтди. Марказ олдида кўйилган вазифаларини тўла амалга ошириб, бугунги кунда халқаро майдонга чиқишни режалаштирмоқда.

– Бизнинг марказ ташаббускор ёш авлодларга бошқа ҳеч бир аънавий билим муассасаларида топа олмаган кучли билим асосларини бера олади, – дейди билим даргоҳи ташкилотчиси ва раҳбари Лилия Лагазидзе. – Бош мақсадимиз, миллий маданиятимиз ва кадриятларимизни сақлаб қолиш билан бирга жамиятда ёшлар ролини ошириш, эркин фикрловчи, инсон манфаати ва ҳуқуқлари борасида катта билимга эга бўлган ёшларни тарбиялашдир. Марказимиз қошида фаолият юритаётган Бизнес синфимиз мақтовга эришган ишларни амал-

да мукамаллаштириш. Шу билан бирга мактаб дастурига Тошкент шаҳридаги халқаро фирма ва компанияларда талабаларнинг ёзги иш амалиётини ўтказиш ҳам киритилган.

улотлар чет эллик мутахассислар томонидан ўқитилади. Бу ерда таълим олаётган болалар учун барча шароитлар муҳайё. Алоҳида видеодарслар, тинглаш машғулоти ва муסיқа бири бўлиб турибди. Бундан 3 йил муқаддам марказ ихтиёрига берилган бино давлат бюджетли маблағларисиз, билим даргоҳининг ўз пулларига таъмирдан чиқарилди.

Хозирги кунда марказ АҚШ университетлари билан чуқур алоқа қилиши. Бундан ташқари, UNICEF, Сорос Евросий фондлари, Жаҳон Тараққиёт ва ривожланиш банки каби халқаро ташкилотлар марказ фаолиятини қўллаб-қувватламоқда ва уларга амалиёт ўтказиш учун йўлланмалар беришмоқда.

Марказ обрўси ошиши билан унда билим олишни хоҳловчилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Яқин келажақда марказнинг тармоқлари Қорақалпоғистоннинг бошқа туманларида фаолият юрита бошлайди. Кўнгирот шаҳрида очилган тармоқ бу борада илк «қалдирғоч» саналади ва муваффақиятли иш юритмоқда.

Марказ иш фаолияти халқаро ҳамжамият на-

«ПРОГРЕСС» МАРКАЗИ ХАЛҚАРО ҲАМЖАМИЯТ НАЗАРИГА ТУШДИ

Бизнес синфи 1993 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда бу ерда 162 нафар талаба билим олмақда.

Уларга 29 нафар профессор-ўқитувчилар, шундан 6 нафари АҚШ ва Канадада малака оширган бўлиб, урта асосий йўналиш бўйича таълим берадилар;

Биринчидан, жамиятимизнинг илмий эҳтиёжларига асосланиб талабаларни бизнеснинг барча соҳаларини қамраган чуқур билим базаси билан таъминлаш. Иккинчидан, ўқувчиларга компьютер соҳасида ҳар томонлама ва мукамал билим бериш. Учтинчи йўналиш эса инглиз тилидан оғзаки ва ёзма билимларни доимий ра-

дарҳақиқат, марказ ўз фаолияти доирасини кенгайтира бориб, ўқувтарғибот ишларини болалар боғчасидан бошлаб амалга оширмоқда. Шу мақсадда «Пачемучи» гуруҳлари тузилиб, бу ерда 70 нафардан ортиқ болалар инглиз тилини ўрганишмоқда.

Мустақилликнинг 10-йиллигида марказнинг 1-синфига ўқувчилар қабул қилинди. Бундан ташқари, марказда тил ўргатиш гуруҳлари ҳам фаолият олиб бормоқда. 2001-2002 ўқув йили мобайнида марказда 1130 нафар ўқувчи инглиз тилини чуқур эгаллаш имконига эга бўлди. Бундан ташқари улар ҳафтада тўрт марта марказга келдилар. Маш-

синфлари мавжуд бўлиб, ўсмирларга инглиз тилини чуқур ўргатиш имконини беради. Марказга қатнаётган болалар орасида кам таъминланган оилалар ва болалар уйининг тарбияланувчилари бўлиб, улар бепул билим олмақдалар. Эътиборимизни бу ердаги таълим учун тўланадиган тўловнинг арзонлиги ҳам ўзига тортди. Мактаб ўқувчилари бир ойда 1000 сўм инглиз тили дарслари учун тўлашса, ҳафтасига 36 соатлик Бизнес гуруҳдаги дарс учун ойлик тўлови 3000 сўмдан иборат. Бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ҳам билим даргоҳи раҳбариятининг асосий вазифаларидан

Бугунги кунда дунёда экологик муаммага дуч келмаган давлатнинг ўзи йўқ. Энг юксак таракли эгач давлатлардан тортиб эндигина ривожланиш босқичига кирган мамлакатларнинг ҳам ўзига хос экологик муаммолари бор. Бирок бу масалаларни ечишга интилаётганлар сони унчалик кўп эмас.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон табиат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида собитқадамлиги билан ривожланаётган мамлакатлар орасида ўзига хос мавқега эга. Айни пайтда юртимизда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бир қанча қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ана шундай лойиҳалардан бири Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Тараққиёт дастурининг Атроф-муҳит дастуридир. Ўз ичига бир қанча кичик лойиҳаларни бирлаштирган ушбу дастур мамлакатимиз ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланади ва халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилади.

Ушбу дастурдан жой олган лойиҳалардан бири «Ўзбекистонда хилма-хилликни сақлаш

да узоқ йиллар давомида жуда кўплаб муаммолар йиғилиб қолган. Натijaда худуддаги биохилмахиликка жиддий зарар етмоқда. Аҳоли ўз чорвасини кўриқхона

НУРОТАДА БИОСФЕРА ҚЎРИҚХОНАСИ

моделли сифатида Нурота-Қизилқум биосфера резерватининг яратилиши» деб номланган. Такли этилаётган лойиҳа биосфера қўриқхонаси ташкил этиш орқали мазкур худуддаги биохилмахиликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун пойдевор қўйишига хизмат қилади. Ҳўш, бу лойиҳанинг яратилишига сабаб бўлган омиллар илдизи қаерда? Нурота табиати муҳофаза қилишга 1960 йиллардан киришилган. 1975 йилда эса бу ерда махсус қўриқхона ташкил этилган. Бирок номигагина қўриқхона бўлиб келган худуд-

Она-табиатни асрайлик!

лоийҳаси ушбу салбий оқибатларнинг худуддаги биохилмахиликка таъсирини камайтириш-

баҳолаш амалиёти ўтказилди. Янги иш ўринлари ташкил этиш борасида тавсияномалар ишлаб чиқилиб, кўплаб семинарлар ташкил этилди. Аҳоли ўртасида доимий тушунтириш ишлари амалга оширилаётир. Умумий қиймати 1 миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур лойиҳани 2005 йилнинг августидан ноябрга қадар ижро қилишга етказиш режалаштирилган. У муваффақиятли амалга оширилса, Нурота тизмалари ва Қизилқум чўлинини унга туташ худудларида биохилмахиликни, наботот дунёси ва маданий мерос намуналарини сақлаб қолишда улкан қадам ташланади. Бундан нафақат Ўзбекистонда, балки бутун минтақада табиати қўриқланадиган худудларни ривожлантириш андозаси яратилади.

Қобилжон ШОКИРОВ, «Ишонч» мухбири.

«050 қутқарув хизмати» МАКТАБДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Ўзбекистон Республикаси «Аҳоли ва худудларни табиий ҳамада техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги қонунларини амалга татбиқ этиш борасида Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси бир мунча ишларни амалга оширди. Хусусан, пойтахтдаги 249-ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида «Фуқаро муҳофазаси» бўйича ўқув-машғулот тадбирини ўтказди. Унда бошқарма ходимлари ва «050 қутқарув хизмати»нинг малакали мутахассислари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари мактаб ўқувчиларига табиий ва техноген ҳолатда юз берадиган фавқулодда ҳолатлар тўғрисида ва бундай вазиятда қандай ҳаракат қилиш чора тадбирларини қўллаш кераклигини тушунтирдилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур мактаб ўқитувчиларидан икки нафар киши бошқарманинг ўқув - услубий марказида «Фуқаро муҳофазаси» соҳаси бўйича ўз малакаларини ошириб, ушбу дастур бўйича ўз билимларини бериб келишмоқда.

Хуллас, мазкур тадбир ўқувчиларда ўзгача таассурот уйғотди. Сабаби улар қутқарув хизмати қўлайидиган техникаларни ўз кўзлари билан кўриши, ишлаш жараёни билан танишиши.

М. ИСОҚОВ, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг матбуот хизмати ходими.

АХИЛЛИҚДА ХИҚМАТ КЎП

Бозор иқтисодиёти мушкулликларини Сирдарё шаҳридаги 2513-автокорхона жамоасига ўз ҳукмини ўтказа олмади. Бу ердаги ахиллик, ҳамжихатлик, энг муҳими, тадбиркорлик билан иш юритилгани барча қийинчиликларни енгиб ўтиш имконини бермоқда.

Автокорхонадаги мавжуд 179 та транспорт воситаларининг барчаси ҳамisha хизматта шай. Улар вилоятдаги ташкилотлар, корхоналар ва хўжаликларга буюртма асосида намунали хизмат кўрсатмоқда.

Ишлаб топилган маблағ автокорхона жамоасининг турмуш шароитини яхшилаш, ишчи-хизматчилар учун қўлай имкониятлар яратиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ҳамда хайрли тадбирлар учун сарфланмоқда. Жумладан, автокорхона қошида соғломлаштириш спорт мажмуаси ишлаб турибди. 12 гектар майдондаги иссиқхона ва чорвачиликка ихтисослашган ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган маҳсулотлар жамоа аъзолари дастурхонага фойз киритмоқда.

А.АЛЛАМУРОВ, «Ишонч» мухбири.



Қашқадарё вилоят ИИБ ЙХБ 3-отряд ходимлари ҳам йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ходисаларининг олдини олиш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқ-



Бундай ишларда мазкур бўлмоқдалар. Суратларда: 3-отряд ходимларининг иш фаолиятидан лавҳалар.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Қонун устуворлигини таъминлаш судьяларнинг муқаддас бурчидир. Шу билан бирга, судьялар ҳар томонлама етуқ ва баркамол инсон сифатида барчага намуна бўлишлари даркор. Бугунги кунда ҳам судьяларнинг мақомини ана шу даражага етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Судьяликка қабул жараёнлари тубдан янгиланди. Уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга алоҳида аҳамият берилаётир.

Хусусан, Ўзбекистон Судьялари уюшмаси томонидан судьялар, судьяликка номзодлар учун ўқув ва амалий машғулотлар ташкил этилиб, малакаси ошириб боришмоқда; Судьянинг қарори қанчалик ҳаққоний бўлиши унинг билим ва савиясига боғлиқлиги боис ихтисослаштириш ишлари яхши йўлга қўйилди.

Ташкилот билан ҳамкорликда бўлиб ўтган мамлакатимиз судьялари анжуманида шу ҳақда гап борди. Тадбирда, шунингдек, судьяларнинг жамия-

Ташкилот билан ҳамкорликда бўлиб ўтган мамлакатимиз судьялари анжуманида шу ҳақда гап борди. Тадбирда, шунингдек, судьяларнинг жамия-

ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР КЎПАЙМОҚДА

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида банклар томонидан тадбиркорлик субъектларига Сайдалиев. - Бу режа 882 миллион сўмдан зиёд кредит берил-

ди, - дейди шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Ғофур Сайдалиев. - Бу режа 882 миллион сўмдан зиёд кредит берил-

(ЎЗА).

КУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Битмас-туганмас энергия манбаи бўлган қуёшдан халқ ҳўжалигида кенг фойдаланиш истиқболлари очилмоқда. Бу борада республикада самарали илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Куёш энергиясидан фойдаланиш йўналишида эришилётган натижалар туфайли қатор муаммолар ўз ижобий ечимини топди.

Юқори ва паст ҳароратли қуёш қурималари яратилди. Куёш энергиясини электр қувватига айлантириш имкони тузилди. Гелиотехникани янги йўналишлари қарор топмоқда. Келгусида тадқиқотларнинг долзарб масалаларини аниқлаш, илмий ишланмаларни халқ ҳўжалигида қўллаш бўйича тасвирлар қабул қилиш, илмий алоқаларни кенгайтириш мақсадида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. «Куёш энергиясидан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар» деган мавзуга бағишланган таълимий семинар бўлиб ўтди. «Мамлакатимизда куёш энергиясидан фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболлари», «Ўзбекистон энергетика тизимида қайта тикланадиган энергия манбааларининг ҳолати ва истиқболлари», «Ўзбекистон энергетика тизимида қайта тикланадиган энергия манбааларининг ҳолати ва истиқболлари» каби маърузалар тинланди. Ушбу илмий чиқишлар Ўзбекистон фанлар академиясининг «Физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, энергетика ва автоматика институти ва бошқа илмий муассасаларнинг етакчи олимлари томонидан қилинди.

Анжуанда халқаро гелиотехниклар анжуманини ўтказишни анъанага айлантиришга қарор қилинди.

Акбар АЛИЕВ.

Бугунги кунда Ватан, миллат тўғрисида дилдан жо этган ҳар бир шахс жамиятда мавжуд муаммолар илдизларини чуқур ўрганган ва таҳлил қилган ҳолда уларни бартараф этишга интилиши лозим бўлади. Бу жараён ҳар бир шахсдан том маънода ватанпарварликни талаб қилади.

Маълумки, ватанпарварлик деганда — мустақил юртимизнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий раванқига салмоқли ҳиссасини қўшадиган, давлат ва жамият ривожига ютуқларни ўз ютуқлари деб қарайдиган ва бу йўлда сидқидилдан меҳнат қиладиган инсонлар фаолияти тушунилади. Зеро, қайси миллат, қайси халқ ўз қадриятларини чуқур англамаса, ҳақон ҳамжамиятида фақат ўзигагина хос ва мос ўринни эгаллаш олмади, воқеа ва ҳодисалар силсиласида йўқ бўлиб кетиши тарихдан маълум.

Зеро, юрагида ўти бор ҳар бир инсон мустақилликни мустақиллашдек эзгу ишда иштирок этиш имконияти берилганини теран англаши лозим. Бу борада миллий манфаатни ифодаловчи жиҳатларга эътиборни қарат-

Жамиятда инсонларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш Ватан юксалишида муҳим омил эканлигини чуқур англаш, «Кучли давлатдан — кучли жамият сари» ғоясини илгари сурган ҳолда халқнинг ўзини-ўзи бошқариш

лигини теран англашга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир давлат куч-қудрати, салоҳияти унинг жарҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, аввало иқтисодийёт билан белгиланади. Республикамиз бозор иқтисо-

сирасига қиради. Чунки, жамиятда мулкдорлар қатламнинг кенгайиши мамлакат иқтисодий қудрати, салоҳиятининг ортиси гаровидир. Республикамизда ҳар бир шахс, ҳар бир оила биринчи навбатда ўзини етарли даражада

тириш — миллий кадрларни тарбиялашда пировард мақсад ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари механизмларини шакллантириш, қонун кучини янада мустаҳкамлаш, миллий гуруҳини англаган, дилида жо этган инсонлар ўзаро бир-бирларига ёрдам беришлари, қўллаб-қувватлашлари нафақат иқтисодий, балки миллатнинг астойди маънавий-маданий салоҳиятини кучайтиришга олиб келади.

Бунда сиёсий-ижтимоий жараёнларда жамоатчилик ташкилотлари, маҳаллаларнинг фаоллигини янада ошириш, ижтимоий назорат тизimini тақомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир эзгу ишнинг замири аввало маънавийтага бориб тақалади. Маънавият — миллатнинг тарихи билан боғлиқ бўлиб, аввало ижтимоий-сиёсий, диний, иқтисодий, мафкуравий жиҳатлар мажмуидан иборат. Аждодларимиз ўз асарларида бежиз қолган инсон ғоясини илгари сурмаганлар. Зеро, бу, бир

Мафкура

томондан, диний дунёқараш билан белгиланган бўлса, иккинчи томондан миллий юксаликка эришишда асосий бўлган ҳисобланган. Инсон аввало ўз оиласи, халқи, Ватани тинч-тотувлиги, фаровонлиги йўлида астойдил ҳаракат қилиши, имкониятлари, изланишлари орқали ўзгаларга ибрат бўлиши, яъни фидокорона меҳнат қилиши, муаммоларга қарши ғайрат билан курашиши керак. Мамлакатимиз келажаги аввало бирлигимизда, Ватан раванқи йўлида ўзаро тотувлигимиз, ҳамжихатлигимизда ва мустақиллигимизда раҳна солувчи кучларга қарши бирлаша олишимизга боғлиқдир.

Севара НУРМАТОВА,
Ўзбекистон
Республикаси Солиқ
ва божхона
органлари
Академияси
ўқитувчиси.

ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК

ва унинг маънавий асослари

омиллари олдиндан аниқлаш ва бартараф этуви давлат механизмларини янада тақомиллаштириш, жамоат назорати тизimini, яъни раббат ва жазо механизмлари фаолиятини шакллантириш муҳим вазифалар қаторида туради. Эл-юрт, Ватан тақдирини учун берфарқ бўлмаган инсонларни — миллий кадрларни етиштириш, уларни Ватан манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилувчи инсонлар қилиб тарбиялаш ва бу орқали уларда Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамияти сиёсатига таъсир эта олувчи кучга айлантириш борасида амалий фаолият олиб боришга ундадан иборатдир.

таъминлай оладиган бўлиши ва шу билан бирга миллатимизга хос хислат — саховатпешаликка замин яратиши лозим. Озодлик ҳар биримизга Ватан раванқи йўлида ғайрат билан ишлашга кенг имкониятлар очиб берди. Бу борада иқтидорли шахслар, заковатли ёшлар — ўз иқтидорлари ва тадбиркорликларини намойиш этмоқдалар.

Бўлғуси юрт эгаси, ернинг ҳўжайини, моддий ва маънавий бойликлар соҳибига, Ватан ва миллат фидоисига бўлган янги авлоднинг шакллантириш, но соғлом муҳитдан асраб-авайлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар томонлама рағбатлан-

тизимини шакллантириш, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳар бир шахснинг сўз, виждон, эътиқод эркинлиги, ўз фикрини очиқ билдира олиши учун имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқдир.

Мавжуд муаммоларни ҳукумат идораларига етказиш, уларни чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва лозим чора-тадбирларни қамраб олган дастурларни ишлаб чиқиш ва тақдим этишда ҳар бир инсоннинг ўз ўрни мавжуд-

диётни муносабатларига ўтар экан, ўз миллий ҳис-туйғуси, миллий онги юқори бўлган ҳар бир шахс, ҳар бир инсондан — фидокор ҳаюртларимиздан янада меҳнатсевар бўлиши, аждодларимизга хос тадбиркор ва ишнинг кўзини биладиган хислатларни янада ошириши, боқимандалик, ўзибўларчилик каби иллатлардан холи бўлиши талаб этади.

Бу борада мулкдорлар қатламини шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттириш бугунги кунда долзарб масалалар

ЯПОН КИЧИК АРФАСИ КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг кичик залида тайёргото (япон арфасининг бир тури) қолғуларининг концерти бўлиб ўтди. Ушбу япон ижодий жамоаси «Каринкай» деб аталади.

«Каринкай» гуруҳи 1995 йида тузилган. У 1998 йида Монакода ва 2000 йида Хитойда катта концертлар берган. Тошкентга келган қатнашчилар орасида Ибараги префектураси ва Киото шаҳри вакиллари бор.

Мазкур тадбирни «Nippon Express» ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси ва мамлакатимизнинг Маданият ишлари вазирлиги кўмагида ташкил этди.

УЧ РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида Алишер Мирзаев, Баҳождир Раҳимов ҳамда Акмал Нур ижодига бағишланган кўрғазма очилди.

Ҳар уччала мусаввир асарлари ўзининг миллийлиги, ёрқинлиги, фалсафий мушоҳадага бойлиги боис юртимиздан олисларда ҳам машҳур. Бугунги кунда улар мўйқаламига мансуб картиналар республикамизнинг муҳташам саройлари, музейлари билан Гиржа жаҳоннинг АКШ, Австрия, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия каби мамлакатларидаги шахсий коллекцияларда, галереяларда сақланмоқда.

Очилиш маросимида мазкур рассомлар асарлари билан безатилган 2003 йил тақвимининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

(ЎЗА).



Баркамол авлод — келажакимиз

БОҒЧАДА КОМПЬЮТЕР ХОНАСИ

Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизimini шакллантириш, мактабгача таълим-тарбия муассасалари ишини замон талаблари даражасида ташкил этиш мақсадида кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Зотан, жисмонан баркамол, ақлан етуқ, билимдон ёшлар — порлоқ эртаимиз, буюк келажакимиз соҳибларидир.

Косон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 93 та ўрта умумтаълим ҳамда 30 та мактабгача таълим муассасаларида беш минг нафардан зиёд ўқитувчи ва устоз-мураббийлар ёш авлодга таълим-тарбия бериб келишмоқда.

Хусусан, туман марказидаги «Дилором» болалар боғчасида 120 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланмоқда. Кичикинтойлар учун барча шароит яратилган боғчада компьютер хонаси ишлаб турибди. Гуруҳ хоналари етарли даражада жиҳозланган.

«Даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси, халқ маорифи аълочиси Гулбодом Эштурдиева болажонларни илк билим сирлари билан ошно этмоқда. Таъкидлаш жоизки, малакали педагог томонидан бу муҳим ишга ижодий ёндошилиб, таълим-тарбия жараёнига ноанъанавий дарс усуллари жорий этилмоқда.

— Таълим-тарбия жараёнини тўғри йўлга қўйишда туман халқ таълими бўлими ва тармоқ ходимлари қасаба уюшма кўмитасининг кўмаги катта бўлмоқда, — дейди бошланғич қасаба уюшма ташкилоти раиси Санамхон Очилова. — Чунки улар бизни доимий равишда моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келишмоқда.

О. КАМОЛОВ
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар.

Шундай бўлишни ҳамма биларди. Шундай бўлишни ҳамма кутганди. «Пахтакор»нинг бу йилги ўйин услуби ва у эришган натижалар бошқа фикрларни мутлақо инкор этарли даражада бўлганлигини эътироф қилмасликнинг иложи ҳам йўқ. Расман жамоа чемпионат тугашидан икки тур аввал олтин медал соҳибига айланган эсада, унинг ҳисобида яна иккита қолдирилган учрашув бор. Бу демакки, «Пахтакор» бугун бўлма-са, барибир эртага, боринги индинга чемпионлик шохсупаси ўзиники эканлигини исботлашга қодир эди.

Албатта, голибга ҳар қанча мактов ярашади. Ростки, «Пахтакор» бунга арзийди ҳам. Турнир жадвалига бирровга назар ташлайлик-а: энг кўп ютуқ, энг кам маглубият. Энг кўп тўп киритган ва ўз дарвозасидан энг кам тўп олиб чиққан жамоа ҳам шу — «Пахтакор»!

Бугунги «Пахтакор» мухлисларнинг азалий орзуси ва мутахассисларнинг ҳамшишалик армони — ҳеч бўлмаса Осиё даражасидаги суперкубга эга бўлиш томон қадам ташланди, десак муболага эмас. Биз ёзда «Пахтакор» кимсан «Нефтчи» билан баҳсда мамлакат кубогини кўлга киритганига гувоҳ бўлган эдик. Мана энди чемпионлик ҳам насиб этди. Бунга қитъа чемпионлар лигасида жамоанинг муваффақиятли иштирокини қўшадиган бўлсақ, фикрини ҳақиқатан нечоғлик яқин эканлигига ҳеч қандай шубҳа қолмайди.

Ҳа, тахрибали мураббийлар — Виктор Жалилов ва Тачмурод Агамуродов таъдминнинг юзага келиши ҳамда жамоа

«ПАХТАКОР» — ЧЕМПИОН!

28-турда А.Гейнрих (иккита), Г.Гочкулиев ва М.Қосимов томонидан киритилган тўплар кимнинг кимлигини кўрсатди



таркиби ёш ва иқтидорли футболчилар билан тўлдирилиши ўзини оқлади. Қарийб барча учрашувларнинг кўтаринки руҳда ўтказилиши, энг муҳими, авваллари кузатилмаган тарзда стратегик ва тактик услуб танланиши ўз самарасини бермай қолмади. Биз чиндан-да берилиб ва галабасига ишониб мухлислик қиладиган ажойиб жамоа пайдо бўлди. У — «Пахтакор»дир!

Кези келганда, айрим

мулоҳазамизни ҳам айтиб ўтсак. Биз ҳар сафар янги чемпионни олқишлаб, унга бундан бундан ҳам муваффақиятларга эришишини, галабаларини мустаҳкамлашни чин дилдан истаб, кўплаб тилаклар билдирамиз. Лекин шу пайтгача тилакларимиз ижобат бўлганини кўрмадик. Тўғри, ҳар ҳолда Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси қандайдир

тахассислар кўригидан ўтаётди. Эртага ҳойнаҳой Александр Гейнрих ҳам шу алфозда қайсидир мамлакатга йўл олади. Кейин яна бошқа ўйинчилар...

Йўқ, биз ўйинчиларимиз ҳорихда тўп суриб, ўз маҳоратларини оширишлари сира қарши эмасмиз. Бу охир оқибат юрт футболни юксак поғоналарга кўтарди. Лекин бизнинг мух-

Футбол

исташга ҳақли. Мазмунли ўйинлар эса моҳир футболчилар томонидан амалга оширилади. Демокримизки, майли, чет элда ўйнаш хоҳиши бўлган футболчиларга оқ йўл тилайлик, лекин айни вақтда уларнинг муносиб ўринбосарлари бўлишни ҳозирданок ўйлайлик, шунга қараб иш тутайлик. Шунда футболимиз ривож топади, галабалар ортидан галабалар келавради.

Ҳар ҳолда биз шундай бўлишни истаймиз.

З.РИХСИЕВ.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	26	23	2	1	81-12	71
2. «Нефтчи»	27	19	3	5	68-29	60
3. «Қизилқум»	28	18	4	6	64-30	58
4. «Насаф»	28	18	3	7	57-32	57
5. «Металлург»	28	13	6	9	39-34	45
6. «Навбахор»	28	13	4	11	49-37	43
7. «Бухоро»	28	12	4	12	36-49	30
8. «Дўстлик»	28	11	2	15	33-39	35
9. «Андижон»	28	9	5	14	39-56	32
10. «Самарқанд-Д»	28	9	4	15	24-43	31
11. «Сурхон»	28	9	3	16	34-49	30
12. «Машъал»	27	8	5	14	31-51	29
13. «Трактор»	28	8	5	15	35-58	29
14. «Кўқон-1912»	28	8	2	18	30-58	26
15. «Зарафшон»	28	7	4	17	35-52	25
16. «Сўғдийна»	28	7	4	17	27-51	25

Чемпионатнинг 28-тур ўйинлари натижалари: «Пахтакор» — «Самарқанд-Д» - 4:0, «Трактор» — «Бухоро» - 3:2, «Қизилқум» — «Дўстлик» - 1:0, «Андижон» — «Кўқон-1912» - 5:3, «Машъал» — «Сўғдийна» - 1:0, «Металлург» — «Насаф» - 3:0, «Навбахор» — «Зарафшон» - 4:1.

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

Телефонлар:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.40

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

Телефонлар:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.40

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.